УДК 413.16

ИНГЛИЗ ТИЛИДА “FOOD-ТАОМ” ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОНИ ТАДҚИҚИ

Ш.Х. Мамажонов, Ш.И.Шокиров

Мақолада “food-таом” семали сўзларнинг семантик хусусиятлари таҳлил қилинган, инглиз тилидаги шундай лексемаларнинг ахборот роли ёритилган. Ўрганилаётган тил материали асосида “food” семантикасининг мазмун-моҳияти, матнда қўлланиш хусусиятлари ва уларнинг ўрни очиб берилган.“Food-таом” функционал-семантик майдони ва уларни ташкил этувчи бирликларнинг структур (таркибий), семантик (маъно) ва функционал (вазифавий) хусусиятлари ўрганилган.

Калит сўзлар: *микросистемалар, синтагматик, парадигматик, архисема,диктум, модус.*

Статья посвящена анализу семантических особенностей слов с семой “food” в котором подчеркивается информационная роль таких англоязычных лексем. На основе изучеаемого языкового материала выявлены суть и содержание семантики “food”, особенности их применения в тексте, их место и значение. Изссследуется функционально-семантическое поле “food”, а также структурные, семантические и функциональные свойства составляющих его единиц.

Ключевые слова: *микросистема, синтагматика, парадигматика, архисема, диктум, модус.*

Тилдаги семантик ўзгаришларни ўрганиш майдон ёндашувига мос равишда жуда самарали амалга оширилиши мумкин. Бу йўналишдаги тилшунослар семантик (концептуал) майдонларни, яъни бир-бирига тематик боғлиқ бўлган объектларни ёки мантиқий тушунчаларнинг бир майдонида ёт бўлган ҳодисаларни билдирувчи сўзларнинг гуруҳларини сўзловчилар онгида мавжудлигини исботлайдилар. Тил маълумотларидан ташқари, сўзловчилардан семантик микросистемалар (майдонлар)нинг психологик моделлари мавжудлигини тасдиқлайдиган психологик тажрибалардан олинган маълумотлар ҳам мавжуд [1. Б. 87].

Тил тизимида “Food–таом” концепти икки жиҳатдан тақдим этилади: 1) жараён сифатида озиқ-овқат, жумладан, “овқатни қабул қилиш, сингдириш”. 2) озиқ-овқат “ҳар хил турдаги объектларнинг умумий тўплами билан боғлиқ бўлган жамоавий тушунчадир” [2. Б. 123].

Инсоннинг дунёни билиш жараёнида тушунчалари шаклланади. Инсон – мия ҳамкорлигида ҳосил бўладиган туйғуни, ўзини ўраб турган борлиқнинг ҳис этади. Тилшуносликда ҳодисаларнинг систематик табиати ҳақидаги ғоя, хусусан, синтагматик ва парадигматик тамойилларга асосланган лексик майдонлар назариясида акс этади.

“Food-таом” лексик-семантик майдон деганда инвариант “Food–таом” архисемаси атрофида бирлашган, ушбу майдонда ўз ўрнига эга бўлган, турлича морфологик ва синтактик тузилиш ва қолипга эга, инвариант маънога турли даражада яқин ёки дистант (бош маънодан узоқлашган) маъновий алоқада бўлган, бир ва ундан ортиқ маъноли, моно- ёки полифункционал, ўзаро парадигматик, синтагматик алоқада бўлган, вазифаларига кўра фаол ва нофаол, ифодалилиги жиҳатидан турлича бўёқдорликка эга тил бирликлари системасини тушунамиз [1. Б. 55].

“Food-таом” семантик майдонига кирувчи бирликларнинг маъносини аниқлаш фаннинг турли соҳаларида олинган билимларни ҳисобга олган ҳолда ўрганишда амалга оширилади [1. Б. 73]. Бу таҳлил ўтказиладиган муайян тарихий даврнинг адекват манзарасини олиш имконини беради. Шундай қилиб, “food-таом” семантик майдони ўзига хос маданий мазмунга эга бўлган жамоатчилик муносабатини ифодалаш воситасига айланади.

“Food-таом”концептини белгиловчи бирликларнинг иерархик семантик тузилиши денотатив ва коннотатив маънолар билан боғлиқ бўлган ҳар хил турдаги муносабатларда намоён бўлади. Биринчи ҳолда бирликларни бирлаштириш овқатланишни ҳаётий ҳодиса сифатида тушуниш асосида амалга оширилади; иккинчисида, муаллиф онгида ўзгарган ҳаётий ҳодиса сифатида (матнларда семантик тасвирларни қабул қилувчи махсус маданий ҳодиса сифатида) амалга оширилади.

Инглиз тиллари изоҳли луғатлари устида ўтказилган таҳлиллар “food-таом” лексемаси кўпмаъноли хусусиятга эга эканлиги ва бу лексемаларни алоҳида олинганда ҳам, сўз бирикмалари ва фразеологик бирикмалар таркибида келганда ҳам ҳар хил маъноларни касб этишлари мумкинлигини кўрсатди. Бу ҳол “food” лексемаси билан боғлиқ қатор маънолар орасида улардан қай бири инвариант, умумий маъно бўла олишлигини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради. Шуни инобатга олган ҳолда луғатларда рўйхатга олинган “food” ва у билан боғлиқ морфологик ва синтактик тузилишга эга бирликларни маъновий нуқтаи назардан таҳлил этишни лозим деб топдик.

Инглиз тилида изоҳли луғатлари устида ўтказилган таҳлиллар “food” лексемаси полисемантик хусусиятга эга эканлиги ва улар алоҳида олинганда ҳам, сўз бирикмалари ва фразеологик бирикмалар таркибида келганда ҳам турли маъноларни касб этишлари мумкинлигини кўрсатди. Бу ҳол

“food” лексемаси билан боғлиқ қатор маънолар орасида улардан қай бири инвариант, умумий маъно бўла олишлигини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради. Шуни инобатга олган ҳолда луғатларда рўйхатга олинган “food” ва у билан боғлиқ морфологик ва синтактик тузилишга эга бирликларни маъновий нуқтаи назардан таҳлил этишни лозим топдик.

Инглиз тилидаги “food” лексемасига луғатларда берилган таърифларга эътибор берамиз. Вебстернинг “Third international dictionary of the English language” (“Инглиз тилининг учинчи янги халқаро луғати”) да [3. Б. 884] от сўз туркумига кирувчи *“food”*сўзи ўрта асрлар инглиз тилида *“fode”*, қадимги инглиз тилида “*foda*”, қадимги эски инглиз тилида *“fodor, foddorfood fodder”,* қадимги немис тилида *“fuotar food, fodder”,* қадимги скандинав тилида *“fetha, fethi food, fothr fodder”* гот тилида “*fodeins food*”, лотин тилидаги “*pabulum food, fodder, panis bread, pacrere to pasture, feed, graze*”, грек тилидаги “*pateisthai to eat*” (two ears), қадимги славян тилида “pasti to graze” сўзларига қариндош эканлиги, унинг асл ва етакчи маъноси “*the available supply of food*” (*мавжуд озиқ-овқат таъминоти*) эканлиги ёзилган. “Food” сўзининг бошқа маъноларини луғатдаги кетма-кетликда таржима усули орқали қуйидагича аниқланди:

- организмнинг барча фаолияти учун энергия бериш учун олинган ёки ҳайвон танасига сингиб кетган углеводлар, ёғлар, оқсиллар, қўшимча моддалар (минераллар, витаминлар),озиқ-овқат таъминоти;
- ноорганик моддалар;
- қаттиқ озуқа (ичилмайдиган);
- алоҳида таъм ажралиб турадиган ширин модда ёки маза қўшувчи зираворлар;
- озиқлантирадиган ёки ривожлантирадиган нарса (маънавий озиқ-овқат), (интеллектуал озиқ-овқат) ёки қўллаб-қувватлайди (мақтов унинг севимли таоми эди);
- жараён ёки фаолиятни таъминлайдиган нарса (фикрий озуқа);
- **FOODS:** озиқ-овқат компанияларининг акциялари ёки қимматбаҳо қоғозлар;
- **FOOD-LESS (NESS**): етишмовчилик (озиқ-овқат);


Берилган таърифларга қўшимча тарзда яна қуйидаги луғат маълумотларини қўшиш мумкин. А.С.Хоринбининг 2000 йилда чоп этилган “Oxford Advanced learner`s Dictionary of Current English” (“Оксфорд замонавий инглиз тилини ўрганувчилар луғати”) [4. Б. 628]:

- Яшил ўсимликлар танасида қурилган мураккаб органик моддалар;
- Овқатланиш ҳаракати;
- **FOOD WEB**: жамоада ўзаро таъсир қилувчи озиқ-овқат занжирларининг йиғиндиси:

Бундан ташқари, “food-таом” семантик майдони, унинг мазмуний мавзу гуруҳларини, улар ўртасидаги маъновий муносабатларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. “Food-таом” архисемасига асосланган майдон миқёсини қуйидаги мазмун гуруҳ (тўда)ларига ажратамиз:

1) Ун ва донли таомлар*;*
2) Мевали ва сабзавотли таомлар*;*
3) Гўштли ва сутли таомлар*;*
4) Салқин ва спиртли ичимликлар;

Юқоридагиларга асосланган ҳолда “food-таом” лексемасига хос қуйидаги маъно турларига хос бўлиши мумкин:



“Food-таом” архисемаси ва унинг маъно вариантлари турлича морфологик тузилишга эга бўлган лексик бирликлар (содда, қўшма, жуфт, ясама, қўшма-ясама сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар) орқали намоён бўлиши мумкин.

Бундан ташқари “food-таом” семантикасининг қуйидаги кўчма маънолари ҳам кузатилди.

• белгиланган йўлак ёки сув йўли: **FOOD TUBE**: For example: ***A food tube*** *inserted through the mouth or gastrostomy may be necessary if swallowing is impaired* [5. P. 49];

• сочни камини тўлдирувчи парик (hair ball): **FOOD BALL**: For example: *On top of the **food ball**, the female will lay an egg, and then plug up the respective brood cell with wood pulp* [6. P. 123];

• озиқ-овқат тошувчи йўл (Alimentari canal): **FOOD CANAL**: For example: *The nectar, which is about 20percentt sugar by weight at the plant, is collected and stored in the bee's crop, a part of the **food canal** just beyond the mouth, for the return flight* [*10.the new York times - science*];

• озиқ-овқатлардаги кетма-кетлик (аввал ёғли кейин ширинлик, аввалига аралашма кўкатлар сўнг гўштли таомлар ва ҳ.к): **FOOD CHAIN**: For example: *The whole **food chain** is affected by the over-use of chemicals in agriculture. 2, Insects are fairly low down the **food chain*** [5. P. 153]**;**

• озиқ-овқат маҳсулотларини майдалайдиган ускуна: **FOOD CHOPPER**: For example: *Her friend Jacinta Stoica, who assembles **food choppers**, said that despite the problem her family would have a normal Christmas* [6. P. 123];

- озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш учун рухсат берилган ранг: **FOOD COLOR**: For example: *Beat butter, powdered sugar, almond extract and **food color** in medium bowl with electric mixer on medium speed 2 minutes;*
- вазнига қараб озиқ-овқатни тақсимлаш (ҳайвонларни): **FOOD CONVERSION**: For example: *The experimental diets did not affect growth performance and **food conversion** ratio in sea bass* [7. P. 132];
- давлат аҳолисини омон қолишига имкон берадиган озиқ-овқат муносабатларининг тўлиқ ёки муҳим қисмини ташкил этувчи озиқ-овқат занжирлари гуруҳи: **FOOD CYCLE**: For example: *All **food cycle** begin with green plants or producers. Thus, the plants or producers constitute the first trophic level* [5. P. 191];
- инсоннинг овқатланиш жараёнидаги озиқ-овқат тури сифатида ишлатиладиган балиқ. Масалан**: PANFISH: FOOD FISH**: For example: *Her research into the husbandry of tilapia as a **food fish** continued during the 1960s.*[7. P. 2];
- ов қилиш, балиқ овлаш ва меҳнатлари эвазига сотиб олинган озиқ-овқатга яшайдиган киши: **FOOD-GATHERER**: For example: *Winter is the time of the oyster for **food gatherers** in the Northeast* [6. P. 57];
- дон (буғдой, гуруч ёки гречка каби): **FOOD GRAIN**: For example*: In 1986, 1942 million tonnes of **food grains** were produced to feed a world population of nearly 5 billion* [5. P. 33];
- инсон овқатлари учун етиштирилган дон (буғдой, гуруч ёки гречка каби): **FOOD PLANT**: For example: *Many species of Thysanoptera are known to be habitually parthenogenetic. The eggs are laid on the **food plant**, those females possessed of an ovipositor cutting through the epidermis and placing their eggs singly within the plant-tissues; a single female may take five or six weeks to deposit all her eggs* [7. P. 132];
- 1. зарарланган овқат, 2. кимёвий тайёрланган овқат: **FOOD POISONING:** For example: 1. *In cases of **food poisoning**, young children are especially vulnerable. 2. TRIPLE Cases of **food poisoning** have trebled in the last two years* [7. P. 156];
- озиқ-овқат тўпловчи захира, озиқ-овқат сақланадиган континер: **FOOD PRESS**: For example: *Sergio Pereira, the head of marketing in the U.S., courts the food **press, sending** out batches of pasta with new recipes and inviting writers from the food sections of popular dailies and women's magazines to cooking events* [5. P. 288];
- а) қайта ишланган озиқ-овқат хом ашёси (донни қайта ишлаш, меваларни қайта ишлаш ва ҳ.к) б) озиқланиш элементи (кимёвий озиқлантириш, дорилар билан тиклаш): **FOODSTUFF**: For example*: The potassium content of **foodstuffs** is very variable* [7. P. 43];
- озиқланиш тадқиқотларида ишлатиладиган 1701 калория бирлиги: **FOOD UNIT**: For example: ***Mobile food unit****: A food establishment that is self-contained, with the exception of grills and smokers, and readily movable, which either operates up to three consecutive days at one location or returns to a home base of operation at the end of each day* [7. P. 68];
- ҳазм қилдириш усуллардан бири: **FOOD VACUOLE**: For example: ***Food vacuoles*** *are membrane-bound sacs within a cell, which contain food matter to be digested* [5. P. 92];
- ит зоти: **FOO DOG**: For example: *McCain’s jewelry and some of the decorative pieces, including four **foo dog** silver boxes for $500* [7. P. 2].

“*Food-таом’* концепти унинг лексик бирликларининг маънолари иерархиясидир. Маъно идрок этилиши мумкин бўлган нарсаларни ёки визуал тасвирни шакллантиришга қодир бўлган ҳиссий маълумотларни тақдим этишини ҳисобга олади. Фойдаланиш усули ва тайёрлаш усулининг характеристикаси идрок билан перцептив йўл билан тўлдирилиши характерлидир, чунки бу лексемалар оғзаки нутқни шакллантиришда иштирок этади. Инсон онгида ҳар доим тасвирларнинг маълум тушунчалар мавжуд бўлиб, баъзи бир қисми қайта ишлаб чиқарилган ва бутун тасвир ёки идрок этишнинг барча усуллари бараварига тикланади.

“*Food-таом*” концепти ва унинг маъно вариантлари турлича морфологик тузилишга эга бўлган

лексик бирликлар (содда, қўшма, жуфт, ясама, қўшма-ясама сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар) орқали намоён бўлиши мумкин.

Инглиз тилида *food (от), food (феъл) foodless (сифат), foodstuff (от)food-less-ness (сифат) каби ясама сўзлар, Food tube(от), food ball(от), food canal(от), food chain(от), food chopper(от), food color(от), food conversion(от), food cycle(от), food fish(от), food-gatherer(от), food grain(от), food plant(от), food poisoning(от), food press(от), food unit(от), food vacuole(от) каби қўшма-ясама сўзлар, feed smb. on soft corn (Америка жаргонида хушомадгўй, илтифотли),be food for fishes, food for worms, finger food,full of beans (қорни тўқ)* каби сўз бирикмалари*, to pick the plums out of the pudding, Half a loaf is better than no bread, Fine words butter no parsnips, have a finger in the pie (Муҳим ўрин тутмоқ)* каби турғун бирикмалар, *half-baked (тажрибасиз одам), As busy as popcorn on a skillet* (*бир дақиқа ҳам бўш бўлмаслик*) каби сленглар орқали ифодаланиши аниқланди.

Юқорида санаб ўтилган лексемалар морфологик таркиби ва тузилишига кўра қуйидаги моделларга эга бўлишлари мумкин:

1. N ёки V (содда тузилишга эга бир ўзакли сўзлар)
2. N+suffix=N (от ясовчи суффиксли ясама сўз)
3. N+suffix+suffix=N (от ясовчи икки суффиксли ясама сўз)
4. N+suffix=Adj (сифат ясовчи суффиксли ясама сўз)
5. N+N=N (қўшма икки ўзакли сўзлар)
6. N+N+suffix=Adj (икки ўзакли сифат ясовчи суффиксли сўз)
7. N+Adj+suffix=N (бир от, бир сифатли от ясовчи суффиксли ясама от)
8. N+V=N (бир от, бир феъл ва от ясовчи суффиксли ясама от)
9. V+N(prep)=WC (феъл ва предлогли отдан иборат сўз бирикмаси)
10. Adj+N=WC (сифат ва отдан иборат сўз бирикма)

Юқоридаги моделлар жонли нутқда реаллашади ва аниқлашади. Улар асосида содда ва мураккаб мазмунли нутқ бирликлари пайдо бўлади.

“Food-таом” категориясини оғзаки баён қилишда предмет ва субъектнинг ўзига хос семантик намойишлари диктум ва модус таркибий қисмларида лексик-семантик, синтактик-грамматик ва функционал шаклларда ифодаланади.

“Food-таом” семасига эга бўлган лексема *for fishes ёки for worms* каби сўзлар билан қўлланилганда кўчма маънода қўлланилиб,*“бўрини оёғи боқади”*, *“қурт-қумурсқаларга ем бўлмоқ”* каби метафорик моделлар ҳосил қилади. For example: 1*. Let him be food for fishes, this dog Siddhartha, this lunatic, this depraved and rotten body, this weakened and abused, soul!* 2*. They all end upthe same way food for worms* [7. P. 76].

Инсонни ўйлашга, фикр юритишга, ақл билан иш тутишга ундовчи идиомаларда ҳам келиши кузатилди: ***food for thought-*** *(дўппини олиб қўйиб (жиддий) ўйлаш)***.** For example: *My daughter has given me some food for thought about how she organizes her toys and now I'm wondering if this can become an innovative business idea.*

Бундай ҳолларда “таом” концепти инсонга одобахлоқ сифатидагина эмас, балки ўзи яшаётган оламидаги жамиятга, давлатга ўзига хос инструмент (восита) вазифасини бажаряпти.

“Таом” концептининг қуйидаги хусусиятларини ҳам таъкидлаш лозим:

“Food-таом” концептини айрим мақол ва маталларда ҳам учратиш мумкин: Even the best words bring no food; that of the intelligent is about ideas, the common folk talk about food – *Ҳатто энг яхши сўз қоринни тўйдирмайди; Оч қоринга сўз ёқмас* мақолларида эса “сўз” метафорик модели қўлланган.

Ушбу мисолларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, инглиз тилида *“food-таом“* семасига эга бўлган сўзлар инсоннинг ички ва ташқи дунёси ўртасидаги ўзига хос чегара ролини бажаряпти.

Метафорик моделлар билан бир қаторда инглиз тилида “food-таом“ сўзи инсон ҳаётидаги метонимик моделларда ҳам қўлланилади. For example*: finger-* сўзи билан бирикиб, “*қўл билан ейиладиган овқатлар ёки бармоқлар иштирокидаги овқат*” маъносини билдиради. For example: *Please bring a plate of finger food.*

“Food-таом” семантикасини қуйидаги хусусиятларини ҳам мавжуд:

“Food” va “Meal” отлари бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири тенг маъноларни билдириш учун ишлатилиши мумкин. For example: *All meals comprisefood. Not all food is a meal. My wife is eating the food = My wife is eating the meal.*

Бадиий матнларда “*food-таом*” концептини белгиловчи бирликларнинг иерархик семантик тузилиши денотатив ва коннотатив маънолар билан боғлиқ бўлган турли муносабатларда намоён бўлади. Биринчи ҳолда бирликларни бирлаштириш овқатланишни ҳаётий ҳодиса сифатида тушуниш асосида амалга оширилади; иккинчисида, муаллиф онгида ўзгарган ҳаётий ҳодиса сифатида (матнларда семантик тасвирларни қабул қилувчи махсус маданий ҳодиса сифатида) намоён бўлади.

“Food-таом” концептини ташкил этувчи барча лексик бирликлар денотатив семалар асосида бирлаштирилиб, улар тилнинг функционал тизимида бўлиб, қабул қилувчи онгида фаол такрорланади. Денотатив маъно инсон хотирасида доимо сақланиб турадиган ва ҳар қандай вазиятда ҳам такрорланиши мумкин бўлган маънонинг асосини ифодалайди.

Бадиий матнларда феъллар ўз таркибида “пиширириш усули” денотатив семасига эга бўлиб, улар бир хил номдаги уяни ташкил қилади. Худди шу семалар озиқ-овқат номларини билдирувчи номинатив бирликлар томонидан қабул қилинади, лекин

улар яширин характерга эга бўлиб, шахс хотираси ва онгида доимо мавжуд бўлади, чунки бу компонентлар ёрдамида лексемалар тегишли туркумларга ажратилади. “Тайёрланиш усули” фреймига кирган лексемалар номинатив бирликларни изоҳлашда қатнашади.

Бадиий матнларда озиқ-овқатга ижобий ёки салбий баҳо бериш усулларини сўзловчининг ёши, жинси, билим даражаси каби омиллар билан ҳам аниқлаш мумкинлигини қуйидаги диалогларда кўриб чиқамиз:

1.*Grandmother and grandchild.«Is it a good cake?» she asked in tensely.«Yes,mam», he said, wiring into it* [8. P. 124].

Бувиси ва набираси. “Торт яхшими?” – деб сўради у таранглик билан. – Ҳа, онам, – деди у.

2. *Grandfather and grandchild. Seated at a little marble top ped table in the oldestablished confectioner's, the Rector watched his grand son eat strawberry ice, “Good?”* [8. P. 136].

Бобо ва набира. Қадимги қандолатхонадаги кичкина мармар столда ўтирган қария набирасини қулупнайли музқаймоқ еяётганини томоша қилди: “Яхшими?”.

Шундай қилиб, бу қарама-қаршилик жамиятдаги ижтимоий табақаланишни акс эттиради, бу эса озиқ-овқатда ҳам намоён бўлади. Бунда озиқ-овқатнинг мақоми шахснинг мақоми билан боғлиқ бўлиб, озиқ-овқатнинг белги функцияси тушунтирилади ва шахснинг жамиятдаги ижтимоий мавқейини белгиловчи сифатида ишлайди*.*

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, “food-таом” глобал концепти озиқ-овқат тури сифатида маълум бир таомни (маҳсулот, ичимлик ва бошқаларни) билдирувчи, номинатив дори-дармонларга изоморф бўлган микроконцепциялар тўплами ва кичик тўпламларига табақалаштирилган. Оғзаки шаклда у лингвистик жиҳатдан асосий ва периферик компонентларга бўлинган инсон онгининг маданий конструкцияси сифатида ишлайди.

Шундай қилиб, юқорида айтилган мулоҳазаларга таянган ҳолда таъкидлаш мумкинки, *“food-таом”* таққослаш орқали мазмуни аниқланган баъзи бир фазилатлар ва интенсивлик чегараланиши ва белгиланиши асосида етакчи таснифлаш хусусиятларига эга. У лисоний тадқиқот учун объект сифатида хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. *Шокиров Ш.* Турли тизимли тилларда “кўз” лексик-семантик майдони ва уни ташкил этувчи тил бирликлари типологияси: Филол. фан. бўйича фалс. докт. *(*PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2020. – 164 б.

2. *Вежбицкая А*. Язык. Культура. Познание. – Москва: Русские словари, 1996. – 416 б.

3. *Gove P.B.* (ed.) Webster’s third international dictionary of the English language. Colonia: Könemann,1993. – 2655 p.

4. *Hornby A.S.* Oxford Advanced learner`s Dictionary of Current English. Sixth edition. – Oxford: Oxford University Press, 2000. – 2321 p.

5. *Lawrence D.H.* The Rocking-Horse winner. – USA.: Kessinger Publishing, 2004. – 249 p.

6. Maugham W.S. Orientations. – London: T. Fisher Unwin, 1899. – 302 p.

7. *Galsworthy J.* Apple Tree and other stories. – Москва: Издательство литературы на иностранных языках, 1961. – 352 p.

8. *Cronin A.J.* The Keys of the Kingdom “Awfully”. – Москва, 1986. – 384 p.

9. *Искандарова Ш*. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фанл. докт....дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 55 б.

10*. Собиров А.*Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 158 б.

STUDY OF “FOOD-TAOM” LEXICO-SEMANTIC FIELD IN ENGLISH

Sh. H. Mamajonov[1], Sh.I.Shokirov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 3 (63). 95-100.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *microsystem, syntagmatics, paradigmatics, archiseme, dictum, modus.*

The article is devoted to the analysis of semantic features of words with the semantic of "food", which emphasizes the informational role of the lexemas in English based on the studied language material, it consists in determining the content and nature of the semantics of food products, the features of their use in the text and the im-

portance of their role. The functional-semantic area of "food" and structural (structural), semantic (semantic) and functional (functional) properties of their constituent units are studied.

It is shown that the English lexeme "food" has a polysemantic character and can have different meanings both when considered separately and when used as part of phrases and phraseological combinations.This makes it difficult to determine which of the values associated with the food token may be invariant or general. With this in mind, we found it necessary to analyze from a spiritual point of view the "food" given in dictionaries and the units with the corresponding morphological and syntactic structure.

The concept of "food" and its variants of meaning can be expressed through lexical units with different morphological structure (simple, complex, double, artificial, complex words, phrases, phraseological combinations).

In literary texts, verbs have a denotative-semantic "cooking method" in their composition, forming a beehive of the same name.Nominative units denoting the names of food products take the same semantics, but they are latent and are always present in the memory and consciousness of a person, since with the help of these components, lexemes are divided into appropriate categories.The lexemes included in the "Method of Preparation" frame participate in the interpretation of nominative units. The ways of positive or negative evaluation of food in texts can also be determined by factors such as age, gender, and the level of knowledge of the speaker.

Our observations show that the global concept of "food" is classified into a set of micro-concepts and subsets isomorphic to nominative medicines, designating a particular food (product, drink, etc.) as a type of food.Orally, it functions as a cultural construct of the human mind, linguistically divided into basic and peripheral components.

Analyses have shown that the concept of "food" is one of the basic concepts of all cultures, but its cultural and historical significance is primarily reflected in the linguistic picture and varies significantly from language to language.

References:

1. Shokirov, Sh.(2020) Turli tarkibiy tillardagi “ko‘z”ning leksik-semantik sohasi va uni tashkil etuvchi til birliklarining tipologiyasi [The lexical-semantic field of the "eye" in different structural languages and the typology of its constituent language units]. Dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology. Tashkent.

2.Vezhbickaya,A. (1996) Yazyk. Kul'tura. Poznanie [Language. Culture. Cognition]. Moscow: Rucskie slovari.

3. Gove, P.B. (ed.) (1993) Webster’s third international dictionary of the English language. Colonia: Könemann.

4. Hornby, A.S. (2000) OXFORD Advanced Learner*s dictionary. Sixth edition. Oxford: Oxford University Press.

5. Lawrence, D.H. (2004) The Rocking-Horse winner. USA: Kessinger Publishing.

6. Maugham, W.S. (1899) Orientations. London: T. Fisher Unwin.

7. Galsworthy, J. (1961) Apple Tree and other stories. Moscow: Izdatel'stvo literatury na inostrannyh yazykah.

8. Cronin ,A.J. (1986) Awfully The Keys of the Kingdom “Awfully”. Moscow.

9. Iskandarova, Sh. (1999) O‘zbek leksikasini semantik maydon sifatida o‘rganish (shaxsiy mikromaydon) [Study of Uzbek lexicon as a semantic field (microfield of personal)]. Abstract dissertation of the Doctor of Philological Sciences. Tashkent.

10. Sobirov, A. (2004) *O‘zbek tilining leksik darajasini tizimlar tamoyili asosida o‘rganish* [Study of the lexical level of the Uzbek language on the basis of the principle of systems]. Tashkent: Ma’naviyt.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

МАМАЖОНОВ Шавкатилло Хабибуллоевич – Андижон давлат университети Факультетлараро чет тиллар (ижтимоий ва гуманитар фанлар) кафедраси ўқитувчиси. E-mail: shavkatillomamajonov@gmail.com

ШОКИРОВ Шерали Иброҳимович – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Андижон давлат университети Факультетлараро чет тиллар (ижтимоий ва гуманитар фанлар) кафедраси доценти. E-mail: Sheralis790@ gmail.com